

ЎТМИШГА НАЗАР

1 MAXSUS СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР 1

LOOK TO THE PAST
SPECIAL ISSUE 1



ТОШКЕНТ-2022

Бош мухаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Раҳбар Ҳамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош мухаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори,
профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобоҷонова Дијором Бобоҷонова
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари
университети

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Аширов Адҳам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзРФА Тарих институти

Аззамова Гулчехра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзРФА Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қызлар давлат педагогика
университети

Ульяева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори,
Тошкент ким - технология институти

Дорошенко Татьяна Ивановна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент,
Азербайджон давлат
иқтисодиёт университети

Гоффоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат университети

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор,
Қарши мұхандислик-иқтисодиёт
институти

Теймураз Ахалмосулишвили
тарих фанлари номзоди, профессор,
Телави давлат университети

Халикова Раҳбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Эшов Боҳодир Жӯраевич
тарих фанлари доктори, профессор
Қарши давлат университети

Махкамова Надира Рахмановна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент аҳборот технологиялари
университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент,
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори
Ўзбекистон Фанлар академияси

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Джоробекова Айнур Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Қозогистон дипломатия академияси

Рахмонкулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Расулов Абдуллажон Нуриддинович
тарих фанлари доктори, профессор
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор
Санкт-Петербург Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори, профессор,
Қозогистон давлат тарихи институти

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор,
Қозогистон Миллий университети

Хайдаров Муродилла Махмуталиевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Алиева Лале
тарих фанлари доктори,
Озарбайжон давлат университети

Саипова Камола Давлаталиевна
тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исмайлова Алмаз
тарих фанлари доктори,
Дөгистон мустақил университети

Иноятова Диларрам Маниглиевна
Тарих фанлари доктори (DSc)
Ўзбекистон Миллий университети

Одилов Аброр Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Толибоева Нодира Одилжоновна
Тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), Ўзбекистон жаҳон
тиллари университети

Page Maker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

МҮНДАРИЖА | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT

1. Рахбар Эргашевна Холиковна БУХОРО АМИРЛИГИДА ҲУНАРМАНДЧИЛИКНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ.....	6
2. Яхшибека Атамуратовна Абдуллаева ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРДА ГЕНДЕР МАСАЛАСИДАГИ ТЕНДЕНЦИЯЛАР.....	16
3. Шоҳистаҳон Мамажоновна Ўлжаева АМИР ТЕМУР ДИПЛОМАТИЯСИ ТАРИХИГА НАЗАР.....	22
4. Кожамжарова Даъя Пернешовна, Отарбаева Гулжан Кобеевна, Мусаева Суйкум Тулембаевна ДЖАДИДСКИЕ МЕКТЕБЫ И РУССКО-ТУЗЕМНЫЕ ШКОЛЫ: ИХ РОЛЬ В ОБРАЗОВАТЕЛЬНОМ ПРОЦЕССЕ КАЗАХСКОГО НАСЕЛЕНИЯ.....	28
5. Аваз Абдуллаевич Ерметов, Нагима Ергалиевна Тажмуханова, Гулжан Кобеевна Отарбаева ХХ АСР 80-ЙИЛЛАРИНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ (ЁШЛАР МИСОЛИДА).....	35
6. Анвар Журакулович Яхшиев ШИМОЛИЙ БАҚТРИЯДА АНТИК ДАВР ДИНИЙ ЭЪТИҚОДЛАРИНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ.....	40
7. Диёржон Абдуллаев МАРКАЗЛАШГАН ДАВЛАТ ҚАРОР ТОПИШИДА МУКОФОТЛАШ ВА РАҒБАТЛАНТИРИШ ТИЗИМИНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ (АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР СУЛОЛАСИ МИСОЛИДА).....	46
8. Абдулазиз Ахмадхўжаевич Акбархўжаев ЎЗБЕКИСТОН МИНИАТЮРА САНЪАТИНИНГ АНЪАНАВИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ.....	57
9. Гулзода Альзамовна Алимова АЛИШЕР НАВОЙ АСАРЛАРИДА ТАРИХИЙ-ГЕОГРАФИК ЖОЙЛАР, ТАРИХИЙ ШАХСЛАР НОМЛАРИ БАЁНИ (“Мажолис ун-нафоис” мисолида).....	62
10. Дилафруз Рашидовна Атамуратова ХОРАЗМ ДАВРИЙ МАТБУОТИДА “ИНҶИЛОБ ҚУЁШИ” ҲАМДА “ИЗВЕСТИЯ” ГАЗЕТАЛАРИНИНГ ЎРНИ: ТАРИХИ ВА ТАҲЛИЛИ.....	73
11. Феруза Эркиновна Атажанова ХОРАЗМДА ОЛИЙ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ СОҲАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР(1991-2017 ЙИЛЛАР).....	80
12. Жасурбек Зокиржонович Ахмедов, Иқбола Турсунмуродовна Қудратова ЎЗБЕКИСТОН МУЗЕЙЛАРИДА САҚЛАНАётГАН АЙРИМ ОСТАДОНЛАРНИНГ ШАКЛ БЕЗАКЛАРИ ХУСУСИДА.....	88
13. Феруза Хаятовна Бобоҷонова БУХОРОДАГИ МИР-АРАБ МАДРАСАСИ ТАРИХИГА БИР НАЗАР.....	94
14. Элбек Ботиров ТУРКИСТОН АССР БОЖХОНА ТАРИХИ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АРХИВИ ФОНДЛАРИ ТАВСИФИ.....	103
15. Завқиддин Буриев РОССИЯ ИМПЕРИЯСИНИНГ КАСПИЙОРТИ ВИЛОЯТИДА МАъмурий-ХУДУДИЙ СИЁСАТИ ҲАҚИДА.....	109

16. Азад Ҳасанович Ваисов	
МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ХОРАЗМ ВИЛОЯТИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ХАЁТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР.....	115
17. S.I. Gabrielyan	
XX ASR BOSHLARIDA ANGLIYA JAMOATCHILIK FIKRINING FORSDAGI BUYUK BRITANIYA SIYOSATIGA MUNOSABATI.....	124
18. Ақбар Даминов	
“БОБУРНОМА”ДА ФАРҒОНА ВОДИЙСИДАГИ ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ҲАҚИДАГИ МАЪЛУМОТЛАР.....	132
19. Бурон Улугмуротович Жумаев	
ЎЗБЕКИСТОНДА ГАСТРОНОМИК ТУРИЗМНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ: ТАРИХ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН.....	137
20. Temur Shavkat o‘g‘li Zaripov	
MUZEY - JAMIYAT TARAQQIYOTI UCHUN XIZMAT QILUVCHI MUASSASA SIFATIDA.....	146
21. Фарҳоджон Одилжонович Исматуллаев	
ЕВРОПА ИТТИФОҚИННИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ БЎЙИЧА ЯНГИ СТРАТЕГИЯСИГА ОИД АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР.....	150
22. Sardorbek Jamoliddinovich Mirzaxalov	
YOSHLAR TADBIRKORLIGI TOMONIDAN QO‘LLAB-QUVVATLANAYOTGAN SOLIQ IMTIYOZLARI VA ULARNING SOHA RIVOJIGA TA’SIRI (1991-2021-YILLAR).....	161
23. Фарида Абдуразаковна Максумова	
ШАҲАР МУҲИТИДАГИ ЛАНДШАFT ДИЗАЙНИ.....	168
24. Муҳаббат Мадиримовна Маҳмудова	
ХОРАЗМИЙЛАР ТИЛИ ВА ЁЗУВИНИЙ ЎРГАНИШ ТАРИХИДАН.....	173
25. Шавкатбек Махамадионусов	
ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИЙ ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНГА ДЕПОРТАЦИЯ ҚИЛИНГАН ХАЛҚЛАР ТАРИХИНИНГ АРХИВ МАНБАЛАРИ.....	177
26. Диlobар Баҳриддиновна Мирхусанова	
ЎЗБЕКИСТОНДА БОЛАЛАР МУЗЕЙИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА УНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ.....	182
27. Қабулжон Махамаджонович Насритдинов	
СОВЕТ ҲУКУМАТИ АГРАР СИЁСАТИДА ЕР-СУВ МАСАЛАЛАРИ ВА ДАСТЛАБКИ ТРАНСФОРМАЦИОН ЖАРАЁНЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ (Фарғона водийси мисолида).....	187
28. Зумрад Раҳмонкулова	
XIX АСР ЎРТАЛАРИДА ҚЎҚОН ВА ХИВА ХОНЛИКЛАРИНИНГ УСМОНИЙЛАР ДАВЛАТИ БИЛАН ДИПЛОМАТИК МУНОСАБАТЛАР ТАРИХИДАН.....	193
29. Фаҳриддин Самаров	
ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИДАГИ “КАТТА ЛАНГАР ОТА” МАЖМУАСИ ТАРИХИНИ БИЛАСИЗМИ?.....	199
30. Ибрагимжан Ташматов	
МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР.....	206

31. Анвар Амир ўғли Темиров ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИДА МАДАНИЙ МЕРОС ОБЪЕКТЛАРИНИ ОММАЛАШТИРИШГА ДОИР.....	214
32. Улугбек Шавқатович Усмонов ЎЗБЕКИСТОН ҲАЙКАЛТАРОШЛИГИНИНГ ТАРИХИЙ БОСҚИЧЛАРИ.....	218
33. Нафиса Закировна Ҳаётова СОГЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИ ВА СУВ ТАЪМИНОТИ МАСАЛАЛАРИ (БУХОРО ШАҲРИ МИСОЛИДА).....	223
34. Зарина Илдаровна Файзрахманова XVI АСРДА БУХОРО ХОНЛИГИНИНГ ТАШКИ САВДО ВА ДИПЛОМАТИК АЛОҚАЛАРИ.....	231
35. Бахтиёр Режавалиевич Халмуратов, Ғиёсиддин Муроджонович Усмонов ТАБИАТ УНСУРЛАРИ ВА РАНГЛАРНИ ЎЗАРО УЙҒУНЛИГИНИНГ ХАЛҚОНА ҚАРАШЛАРДА АКС ЭТИШИ.....	239
36. Ислом Акрамович Ҳамдамов МИРЗО УЛУҒБЕКНИНГ МЕЪМОРЧИЛИК ФАОЛИЯТИ.....	244
37. А.Г. Холлиев РОССИЯДА ХОРИЖЛИКЛАР ВА ХОРИЖИЙ ТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ТИЗИМИНИНГ ОЁҚҚА ТУРИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ (XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ – XX АСР БОШЛАРИ).....	250
38. Азиза Мустафаевна Эгамбердиева ЁШЛАРНИНГ ФАОЛ ФУҚАРОЛИК ПОЗИЦИЯСИ ВА ТАШАББУСКОРЛИГИНИ ЮКСАЛТИРИШДА МУЛОҚОТ МАДАНИЯТИНИНГ ЎРНИ.....	260
39. Нафиса Мустафаевна Эгамбердиева ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ОИЛА ВА ЖАМИЯТ ҲАЁТИДАГИ ЎРНИ, УЛАРНИНГ ХУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ МУАММОЛАРИ, АЛИШЕР НАВОЙЙНИНГ ОИЛА, ИНСОН ОДОБИ ҲАҚИДАГИ ҚАРАШЛАРИ.....	267
40. F.N. Shirinova, Z.S. Kosimova IX-XII ASRLARDA O'ZBEK DAVLATCHILIGI. IJTIMOIY, SIYOSIY-IQTISODIY HAYOTI. AJDODLARIMIZNING JAON SIVILIZATSIYASI TARAQQIYOTIGA QO'SHGAN ULKAN HISSASI.....	273
41. Икматулла Гайбуллаевич Елмуратов XX АСР БОШИДА ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИНГ ҲОЛАТИ ВА ТАРИХИ.....	281
42. Бўриев Очил, Искандаров Шерзод Абдуганиевич АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР: САЙИДЛАР ҲОМИЙСИ.....	288
43. Искандаров Шерзод Абдуганиевич ЎЗБЕКИСТОН АРАБЛАРИНИНГ ЭТНОМАДАНИЙ ВА ДИНИЙ ЎЗЛИКНИ АНГЛАШИ.....	295
44. Искандаров Шерзод Абдуганиевич ЎЗБЕКИСТОН АРАБЛАРНИНГ МОТАМ МАРОСИМ БИЛАН БОҒЛИҚ ТАОМЛАР.....	302



ISSN: 2181-9599
www.tadqiqot.uz

Искандаров Шерзод Абдиганиевич
Ижтимоий фанлар кафедраси доцент
Тошкент тиббиёт академияси
e-mail: iskandarov54@mail.ru

ЎЗБЕКИСТОН АРАБЛАРИНИНГ ЭТНОМАДАНИЙ ВА ДИНИЙ ЎЗЛИКНИ АНГЛАШИ

For citation: Iskandarov Sherzod. ETHNOCULTURAL AND RELIGIOUS IDENTITY OF THE ARABS OF UZBEKISTAN. Look to the past. 2022, Special issue 1, pp.295-301

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.0000000>

АННОТАЦИЯ

Мақолада Ўзбекистон арабларининг этномаданий ва диний ўзликни англаши ўрганилган. Биламизки, Совет ҳокимияти сиёсати натижасида содир бўлган туб ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар диний маросимларнинг ўзгаришига ҳам жиддий таъсир қилди. Чунки қонунда ислом дини ва унинг ўзига хос маросимларига қарши қаратилган сиёсат олиб борилган. Бу эса араблар турмуш тарзига ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қолмади. Ислом билан замонавийлаштирилган совет маданиятида аралаш маданият пайдо бўлди. Секуляризация қилинган ислом гомоген совет жамиятида йўқолиб кетмади, балки, аксинча, ўз монандлигини (идентичность) мустаҳкамлаш ҳамда рус ва Европа турмуш шаклларидан ўзини ҳимоя қилиш учун модернизациядан фойдаланди. Ўзбекистон араблари диний маросимларининг асосий жиҳатларидан бири уларнинг динга бўлган ишончлари ҳисобланади. Юқорида келтирганимиз мақолада асосан шу муаммо таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: араб маданияти, этномаданий ва диний ўзликни англаш, идентиклик, ислом, дин.

Искандаров Шерзод Абдиганиевич
Доцент кафедры социальных наук
Ташкентская медицинская академия
e-mail: iskandarov54@mail.ru

ЭТНОКУЛЬТУРНАЯ И РЕЛИГИОЗНАЯ ИДЕНТИЧНОСТЬ АРАБОВ УЗБЕКИСТАНА

АННОТАЦИЯ

В статье исследуется этнокультурная и религиозная идентичность арабов Узбекистана. Мы знаем, что коренные социально-экономические изменения, происходившие в результате политики советской власти, оказали серьезное влияние на изменения религиозной обрядности. Потому что у закона есть политика против ислама и его уникальных ритуалов. Это также оказало влияние на образ жизни арабов. Смешанная культура возникла в советской культуре,

модернизированной исламом. Секуляризованный ислам не растворился в однородном советском обществе, а использовал модернизацию для укрепления своей идентичности (идентичности) и защиты от русского и европейского образа жизни. Одним из главных аспектов религиозных обрядов арабов Узбекистана является их вера в религию. Эта проблема в основном анализируется в вышеуказанной статье.

Ключевые слова: арабская культура, этнокультурная и религиозная идентичность, идентичность, ислам, религия.

Iskandarov Sherzod Abdiganievich
Associate Professor of the Department of Social Sciences
Tashkent Medical Academy
e-mail: iskandarov54@mail.ru

ETHNOCULTURAL AND RELIGIOUS IDENTITY OF THE ARABS OF UZBEKISTAN

ANNOTATION


The article examines the ethnocultural and religious identity of the Arabs of Uzbekistan. We know that the radical socio-economic changes that took place as a result of the policy of the Soviet government had a serious impact on the changes in religious rituals. Because the law has a policy against Islam and its unique rituals. This also had an impact on the lifestyle of the Arabs. A mixed culture emerged in Soviet culture modernized with Islam. Secularized Islam did not disappear into the homogenous Soviet society, but rather used modernization to strengthen its identity (identichnost) and to protect itself from Russian and European ways of life. One of the main aspects of the religious ceremonies of the Arabs of Uzbekistan is their faith in religion. This problem is mainly analyzed in the above article.

Key words: Arab culture, ethnocultural and religious identity, identity, Islam, religion.

XX аср охири – XXI аср бошларида дунё миқёсида ўзига хос янгича бир манзара шаклланди, кам сонли миллатларнинг этномаданий идентикилиги (этник ўзликни англаш) масаласини ўрганиш қизикарли илмий мунозараларга сабаб бўлмоқда. Айнан шундай муаммолардан бири араб халқининг диний жиҳатини тадқиқ қилиш бўлиб, бошқа этник гурӯҳ вакиллари билан муносабатларини ўрганиш, ҳамда Ўзбекистон арабларнинг бугунги кунга келиб ўзбек халқини этник ажралмас қисми сифатида қарашсада, бир неча асрлардан бери тили, урф-одати, анъанавий маросими, моддий ва маънавий маданиятини асрлар келиши ўта муҳим бир жараён сифатида қаралади. Ўзбекистон араблари атрофидаги халқлар билан йиллар омухталашиб кетган. Шу сабабли диний ўзликнинг англашни ўрганиш бугунги кундаги ўта долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Қуйида келтирилган ҳолатлардан қайси бири ислом динига бўлган муносабатингизни тавсифлайди?

- динга нисбатан бефарқман
- диний хаётни жуда хурмат қиласман
- диний хаётга тарзига амал қиласман
- диний хаётга бефарқман
- диний хаётга салбий муносабда ман



Этносоциологик сўров ўтказилган худудлар, аввало, дала тадқиқотлари ва илмий адабиётларда кўрсатилган маълумотларга таяниб белгиланди. Респондентларнинг аксарият қисми ҳозирги яшаб турган жойларида туғилган бўлсаларда, уларнинг бобокалонлари Арабистон, Ўрта Осиё ва унинг атрофидаги худудлардан турли йилларда кўчиб келиб ўрнашганликлари тўғрисида олдинги бобларда маълумот берилган эди. Айнан арабларнинг кўчиб келган қисми йиллар ўтиши билан туб ерли халқларнинг диний маросимларига ўз таъсирини кўрсатди. Ўзбекистон арабларининг диний муносабатларини аниқлаш мақсадида респондентларга бир неча саволлар билан мурожаат қилдик. Уларнинг жавоблари қуйидагича:

«Диний ҳаётга салбий муносабатдаман» 8 фоиз, «Диний ҳаётга бефарқман» 14 фоиз, «Диний ҳаёт тарзига амал қиласман» 32 фоиз, «Диний ҳаётни жуда хурмат қиласман» 38 фоиз, «Динга нисбатан бефарқман» 8 фоиз. Мазкур жавоблар Ўзбекистонда истиқомат қилиб келаётган араблар турмуш тарзида ислом динининг таъсири катта эканлигидан далолат беради. Ислом дини арабларнинг ижтимоий ҳаётида катта аҳамиятига эга. Бироқ, айрим респондентлар динга муносабатлари унчалик яхши эмаслигини тан олади. Бунинг сабаби шундаки, совет тузуми даврида олиб борилган сиёсат натижасида уларда қандайдир қўркув ва ҳадиксирашни кузатилади. Бу эса нафақат араблар турмуш тарзида балки шу заминда истиқомат қилиб калаётган барча ислом динига эътиқод қилувчиларда кузатилади.

Совет ҳокимияти сиёсати натижасида содир бўлган туб ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар диний маросимларнинг ўзгаришига ҳам жиддий таъсири қилди. Чунки қонунда ислом дини ва унинг ўзига хос маросимларига қарши қаратилган сиёсат олиб борилган. Бу эса араблар турмуш тарзига ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қолмади. «Арабларда диний маросимларнинг ўзгариши қайси даврдан бошланди?» деб берилган саволга қуйидагича жавоб берилди: «XX асрнинг бошларида» 22 фоиз, «XX асрнинг ўрталаридан» 29 фоиз, XX асрнинг охириларида 34 фоиз. Респондентлардан «Бунга сабаб нима деб ўйлайсиз?» деб сўрагалганида, уларнинг 15 фоизи руслар томонидан олиб борилган сиёсат таъсири деб таъкидладилар. Чунки руслар томонидан олиб борилган сиёсатнинг асосий негизида ислом маросимларига таъсири кўрсатиш ғояси ётади.

Ислом билан замонавийлаштирилган совет маданиятида аралаш маданият пайдо бўлди. Секуляризация қилинган ислом гомоген совет жамиятида йўқолиб кетмади, балки, аксинча, ўз монандлигини (идентичность) мустаҳкамлаш ҳамда рус ва Европа турмуш шаклларидан ўзини ҳимоя қилиш учун модернизациядан фойдаланди. Ўзбекистон араблари диний маросимларининг асосий жихатларидан бири уларнинг динга бўлган ишончлари ҳисобланади. Шуни аниқлаш мақсадида респондентларга «Ўзингизни динга ишонувчан деб ҳисоблайсизми?» деб берилган саволга қуйидагича жавоб берилди: «ҳа» 66 фоиз, «йўқ» 17 фоиз, «жавоб беришга қийналаман» 17 фоиз. Респондентлар таҳлили натижасида 66 фоиз ислом динига ишонувчан эканлигини эътироф этган. Улардан «Қайси динга эътиқод қиласиз?» деб берилган саволга 100 фоиз ислом динига эътиқод қилишини ва бошқа динда бўлишини ҳатто тасаввур қила олмаслигини қайд этдилар. Юқоридаги жавоблардан кўриниб турибдики, арабларда диний ўзликни англаш жараёни ўта мустаҳкам ҳисобланади.

Умуман олганда, руслаштириш сиёсат ва мафкура даражасига кўтарилиди. Шаклан миллий, мазмунан социалистик, руҳан байналмилал маданият, социалистик маданият, совет маданияти каби ғоялар аслида рус маданиятини улуғлаш, миллий маданиятларни, жумладан, ўзбек, тожик, араб ва бошқа миллат вакиллари миллий маданиятини камситишнинг ўзига хос йўли ҳисобланади. Совет мафкураси томонидан ўзига хос этномаданиятни шакллантириш мақсадида театр, кино, мусиқа ва бошқа санъат соҳаларида рус маданияти, коммунистик мафкура бошқа халқларга мажбуран сингдирилди.

Мустақиллик йилларида нашр қилинган асарларнинг бир грухи маданият ва байналмилал муносабатларнинг Ўзбекистондаги миллат ва элатлар миллий ва маданий марказлари фаолиятига доир маълумотлар кузатилади. Айрим адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, совет мустамлакаси даврида диний бағрикенглик, миллатлараро тутувликка унчалик эътибор қаратилмаган. Чунки мафкуравий сиёсатнинг таъсири жуда қучли бўлган.


Айниқса, XX аср охирларида диний маросимдаги ўзгаришлар бевосита арабларнинг турмуш тарзи, урф-одат ва анъанавий маросимларига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. 90-йиллардан бошлаб диний маросимларнинг ўтказилишига катта имкониятлар яратилиб келинмоқда. Ўзбекистондаги барча миллат вакиллари хоҳлаган динига эътиқод қилиши ва уни ҳар томонлама кувватлаш, диний маросимларни ўтказиш учун давлат томонидан бир қатор ишлар амалга оширилди. Масалан, мустақиллик йилларида Жейнов қишлоғида яшовчи араблардан 30 дан ортиқ киши ҳаж зиёратини амалга ошириди. Бу қишлоқдаги ҳожилар ҳар ойда бир марта йигин ўтказишида.

Этник келиб чиқиши механизмини аниқлаш учун, умумий қадриятларда олиб бораётган кичик этник гурухларнинг бошқа ҳудуддаги фаолиятини ўрганиш лозим. Шундай жамоалардан бири Ўзбекистондаги араблар деб айтсан бўлади. Қуйидаги этник гурух, мана, бир неча асрлардан ортиқроқ Мовароуннаҳр ҳудудида яшаб келмоқда, улар ўзларининг диний эътиқодлари, маданиятининг ўзига хослиги билан ажралиб туради. Респондентларга «Диндор одам бўлиш сиз учун нимани англатади?» дея берилган саволга қўйидагича жавоб берилди: «Куръонни яхши билиш» 4 фоиз, «мусулмон таълимотидан хабардор бўлиш» 44 фоиз, «Куръон ва ҳадисда келтирилган барча одатларга амал қилиш» 49 фоиз, «жавоб беришга қийналаман» 3 фоиз. Сўровномалар натижасида 97 фоиз диндор одам бўлиши учун исломий аҳкомларни у ёки бу жиҳатларга амал қилишларни таъкидлади. Ислом дини арабларнинг турмуш тарзи, урф-одати, анъанавий маросими ва этномаданиятида алоҳида аҳамиятга эга ҳисобланади.

Мазкур тадқиқотда исломий-диний маросим қарашлари, Куръони карим ва ҳадиси шарифлардаги шариат, урф-одатлар, анъанавий маросимларга доир бир қатор фикр-мулоҳазалар илгари сурилди. «Шариат» (араб) тўғри йўл, ислом хукмлари, қонун-қоидалари, дин, Ислом ҳуқуқ тизимида мусулмонларнинг Куръон асосида ишлаб чиқилган диний, жиноий ва фуқаролик қонун ва қоидалари мажмуидир. Респондентлардан айнан араблар шариат амалларига қанчалик эътибор қилишларини аниқлашга ҳаракат қилинди. Уларга «Шариат урф-одатларини яхши биламан, деб ҳисоблайсизми?» дея берилган саволга 32 фоиз «ха», 14 фоиз «йўқ», 51 фоиз «қисман», 3 фоиз «билмайман деб жавоб бердилар. Юкоридаги таҳлиллар натижаси шуни кўрсатдики, 83 фоизи респондентлар шариат билан боғлиқ жиҳатларни яхши билишларни таъкидлади. Бу эса албатта энг муҳим жиҳатлардан бири ҳисобланади. Айниқса, XX асрда совет тузуми томонидан юритилган сиёsatда ҳам араблар шариатдан воз кечмаган.

Республикада мустақиллик шарофати билан қадимий обидаларга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Имом Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд, Зангигита мақбаралари таъмирланиб, обод қилинди. Султон Мир Ҳайдар масжид ва мақбараси бугунги кунда қайтадан тикланди. Мустақилликка эришгач, арабларнинг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маданий ҳаётида диний ўзгаришлар юз берди. Арабларнинг XX аср охири – XXI аср бошидаги ҳаётига доир хуносаларни умумлаштирганда, давлат мустақиллиги берган имкониятлар туфайли Ўзбекистондаги бошқа барча элат ва миллатлар қатори арабларнинг турмуш тарзида ҳам катта ўзгаришларни кўриш мумкин.

Охирги йиллар сизнинг динингизда ўзгариш бўлдими?



Муайян халқнинг ижтимоий онгини ўзгартириш қийин масала бўлиб, бу жуда ҳам узоқ вақтни талаб этади. Айнан шуни аниқлаш мақсадида респондентларга бир неча саволлар билан мурожаат қилинди. «XX асрда араблар диний маросимида ўзига хос ўзгариш бўлдими», деб сўралганида, уларнинг кўпчилик қисми унчалик ўзгариш бўлмаган, деб жавоб берди.

Ўзбекистон араблари йирик қисмининг миллий урф-одат ва анъанавий давом этиб келаётган жараёнлари таҳлилини қайд этиш мумкин. Яъни, «Диний мотамда сизларда барча иштирок этадими?» деб берилган саволга респондентларнинг 100 фоизи ҳамма иштирок этади, деган жавобни берди.

Исломнинг фақиҳ олимларидан бири кундуз ва рўза муддатини баробарлаш учун куннинг аввалини тонг отиши, охирини Қўёш ботиши, деб таърифлайди ва бунга Олий тангрининг «Тонгда оқ ип кора ипдан ажralиб кўрингунча еб-ичинг, кейин кечгача рўза тутинг!» деган сўзини далил келтириб, шу икки чегарани кундузнинг икки томони, деб даъво қиласди.

Рамазон рўзаси, нафл рўза, муҳаррам ойи рўзаси, ашуро куни рўзаси, ражаб ойи рўзаси, шаъбоннинг ярми рўзаси, шаввол ойи рўзаси, ҳар ойда уч кун рўза тутиш, оқ кунлар рўзаси, душанба ва пайшанба куни рўзаларининг барчасини умумлаштириб қуйидагича номлайдилар: «Фарз рўза (рамазон рўзаси), вожиб рўза (нафлга киришиб, кейин бузиб қўйганда, унинг қазосини тутиб бериш вожибdir), нафл рўза (душанба, пайшанба кунлари, шаввол ойида тутиладиган бу кунлик рўза) ва макрух рўза (фақат жума ёки шанба ёки якшанба кунлари, шунингдек, икки ҳайитда тутиладиган рўза)».

Ушбу ҳолатларни таърифлаган Мусо Туркистоний: «Намоз, рўза ўргадан кўтарилиди. Куръон ўқиш мамнуъ (ман), қурбонлик йўқ, қўй, мол, сўкум сўюлмайдур. Қурбонлик қилғанни жазоси маҳкамада, 5 йиллик сургунга маҳкум, ҳақиқатда эса, қайтиб келмайдур, деган ҳукмномада ишора (шифра) бордур. Бир киши закот берса ва ё бошқа диний ибодатлари или уни диндорлиғи событ бўлса, уни жазоси Сибир, яъни энг совуқ минтақалардин ўрмонликка қарагай дарахтларини кеса-кеса ўлишга маҳкумдир. Халқда диний байрамлар йўқ, жумъа таътиллари йўқ, йўқдур», – деб таъкидлайди. Рамазон (араб – рўза ойи) 1. Қамария йил хисобида 30 кундан иборат тўққизинчи ойнинг арабча номи (шариатга кўра, бу ой давомида мусулмонлар рўза тутадилар). Рамазоннинг охирги ҳафтаси қолиб, катта ҳайитнинг баҳор ойларига тўғри келгани ҳаммага севинч бағишлиарди. Арабларнинг диний байрамларни ўtkазиш ва урф-одатларига хос хусусиятларни таҳлил этдик. Ахборотчиларнинг фикрича, диний маросимлардан бири рамазон ҳисобланниб, бу ойда доимий равишда рўза тутишган. Курбон ҳайитида эса айримлар 3 кун олдин рўза тутишган.

Ўзбекистон араблари турмуш тарзининг ўзига хос кўринишларидан бири оилавий маросимларни тадқиқ қилиш мухим ҳисобланади. Совет тузуми даврида никоҳ, бола туғилиши ва мотам маросимлари қаршиликларга учради. Респондентларга «Сизларда кўпроқ диний маросимлар нималарда ўз аксини топган?» деб берилган саволга улар қуйидагича жавоб беришиди: «никоҳ» 27 фоизни ташкил этади. Бу арабларда оила ва оилавий муносабат кишилар ҳаёти ва турмуш кечиришининг таркибий қисми ҳисобланишини билдиради. Тадқиқотларимизда «бола туғилиши» деган жавоб 25 фоизни ташкил этди. Бола туғилиши ҳамда чилла даврида исломий урф-одат ҳамда бир неча маросимлар ўтказилиб, унинг тарбиясига катта эътибор қаратилади. Ўзбекистондаги араблар бола туғилиши маросимига бошқа халқлар сингари тўлиқ амал қиласди. Айнан мотам диний маросимлари этник ўзига хос айрим жиҳатлари билан фарқланади. «Мотам» маросими деб берилган жавоблар 45 фоизни ташкил этган бўлса, 3 фоиз респондент «билмайман» деб жавоб берди. Айнан никоҳ, бола туғилиши ва мотам маросимлари ҳақида олдинги бобларимизда тўхталиб ўтганмиз. Сўровнома натижасида уларнинг 97 фоиз никоҳ, бола туғилиши, мотам маросимда исломий дин билан боғлиқ маросимларда ўтказилишини таъкидлади. Бу эса ўз навбатида араблар турмуш тарзида ислом дини ўрни катта эканлигидан далолат беради.

XX асрнинг 80 йиллари иккинчи ярмида ёқ жамиятда, оз бўлса-да, демократия куртаклари қузатилиши билан барча анъанавий диний тарғиботларнинг қайта тикланиш имконияти туғилди. Мустақиллик шарофати билан миллий қадрияtlар тикланишига

маҳаллаларда катта имкониятлар яратиб берилди. Респуббакимизда мустақилликнинг эълон қилиниши миллий қадриятларнинг тикланиши, бой тарихий меросимизни янада синчиклаб ўрганишга имконият яратди.

Араблар Ўрта Осиёning ўзига хос тарихий-маданий минтақаларидан бири – Фарғона маданиятига ҳам сезиларли таъсир кўрсатган. Улар турли йўллар билан маҳаллий аҳолини исломлаштиришга уринган, бироқ бу уриниш маълум шаҳар аҳолиси орасидагина яхши самара берган. Қишлоқ жойларда янги динни қаттиқ қаршиликлардан сўнг қабул қилишган ва у ерда узоқ вақт зардуштийлик ва Ўрта Осиёда кенг тарқалган бошқа диний эътиқодлар сақланиб келган.



Юқоридаги маълумотлар таҳлилидан шуни кузатдикки, арабларнинг 77 фоизи диний тикланишини энг муҳим ижобий жиҳат эканлигини эътироф этди.

Исломий диний маросимларнинг тикланишига бугунги кунда катта эътибор қаратилмоқда. Собиқ шўро тузуми даврида коммунистик гоялар тарғиб қилиниб, атеистик тарбия бериш учун қанча куч-гайрат сарфланишига қарамай, араб халқи исломий диний қарашлардан воз кечмади. Респондентларга «Эътиқодни ўзгартирган кишиларга қандай қарайсиз?» деб берилган саволга «ижобий» 24 фоиз, «салбий» 60 фоиз, «бефарқман» 6 фоиз, «жавоб беришга қийналаман» 10 фоиз деб жавоб қайтардилар. Респондентларни 60 фоиз эътиқод ўзгартирган кишиларга нисбатан салбий фикрда бўлишларини таъкидлади.

Совет тузуми даврида олиб борилган сиёсий мафкура араб халқининг ҳам анъанавий ҳаёт тарзи ўзгаришига олиб келди. Шу нуктаи назардан қараганда, араб халқи миллий ўзлигини англаши ўсишининг муракқаб ва зиддиятли эканлигини объектив ҳаёт билан ўзаро боғлиқ ҳолда ўрганиш катта аҳамиятга эга. «Сизнинг ҳозирги вактдаги ҳаёт тарзингиз қанақа?» деб берилган саволга респондентларнинг 79 фоизи «Анъанавий мусулмонча, маҳаллий анъаналар асосида қурилган ҳаёт» деб, 9 фоизи «Европача, ғарбча ҳаёт тарзи», деб жавоб берди. Респондентларнинг 12 фоизи «Анъанавий ва гарб ҳаёти уйғунлашган», деган жавобни белгилаган. Сўровнома натижасида 79 фоиз респондентлар ислом динига асосланган ҳаёт тарзини муҳим, ҳисоблашади. Айрим араб европача ҳаёт тарзида яшашни лозим, деб ҳисоблашади. Араблар турмуш тарзи урф-одат ва анъанавий маросимлари ҳамда этномаданий жараёнлар таъсир кузатилади. Шунингдек бугунги кунда замонавий турмуш тарзида ҳаёти кечириш лозим, деб ҳисоблашадилар.

Респондентларга «Сизнингча, куйидаги анъаналарнинг қайсилари исломий ҳисобланди?», саволи берилганда, куйидагича жавоблар олинди: «Саломлашиш» 55 фоиз, «Сиз, деб мурожаат этиш» 5 фоиз, «Паст товушда гаплашиш» 4 фоиз, «Катталарга хурмат билан муносабатда бўлиш» 14 фоиз, «Бисмиллоҳ», «Омин» дейиш 16 фоиз, «Нотаниш йигит ва қиз ўртасидаги жиддийлик» 4 фоиз, «Ҳақиқатпарастлик» 1 фоиз, «Сиз бизга, биз сизга қоидаси асосида яшаш» 1 фоиз.

Маълумки, Ассалом алайкум (а.-тинчлик соғлиқ, сизнинг устингизда) ассалому алайкум сиз тинч-омон бўлинг! (араб, сизга тинчлик, саломатлик тилайман) мусулмонлар ўзаро учрашганда ишлатиладиган саломлашув ибораси. Салом қабул қилувчи ва алайкум ассалом («Сизга ҳам тинчлик, саломатлик тилайман») деб жавоб қайтаради. Салом таниган ва танимаган мусулмонларга берилади. Кичик ёшдагилар ёши улуғларга, улов минган одам пиёдага, пиёда кетаётган киши ўтирганга, озчилик кўпчиликка салом беради. Ассалому алайкум кўпчилик ҳузурига кириб ўтиришда ҳам айтилади. Ассалому алайкум дейиш суннат, жавоб қайтариш эса вожиб ҳисобланади. Ассалому алайкум намоз ўқиётган кишининг намози тугаганинг аломати ҳамдир.

«Ҳадис» ларда, «Салом – Тангрининг ердаги исмларидан биридир. Бир-бирларингиз билан саломлашиб юринглар. Зеро, мўмин киши одамлар олдидан ўтиб бораётиб уларга салом берса, улар ҳам алик олишса, уларга саломни эслатгани учун бир даража кўп савобга эришади. Мабодо, алик олишмаса, унга барибир, улардан яхшироқ ва афзалроқ зотлар, яъни фаришталар алик олишади», дейилган. Салом тўлиқ равища «Ассалому алайкум» деб берилиши ва «Ваалайкум ассалом» деб алик олиниши керак. «Ассалому алайкум» – «сизга тинчлик ва омонлик бўлсин», «Ва алайкум ассалом» эса «Мен ҳам сизга тинчлик ва омонлик тилайман» деган маънони англатади. Бошқача тарзда «Алайкум салом», «Салом бердик», «Салом, ўртоқлар!», «Ассалом», «Алайкас салом», «Алайкум» дейиш тўғри эмас. Айниқса, «Ассам алайкум» дейиш мутлақо нотўғри, чунки бу яхудий тилида «Сизга ўлим бўлсин» деган маънони англатади.

Юқоридаги жавоблардан шундай хулоса қилиш мумкин: Ўзбекистон ҳудудида яшаб келаётган араблар турмуш тарзи, урф-одатларида анъянавийлик ва замонавийлик акс этган. Бир ҳудудда ёнма-ён, баъзан аралаш яшаб келаётган ўзбек ва араб этнослари тилида ва маданиятида умумий қарашлар шаклланди. Этносоциал сўровларнинг натижаларига кўра арабларнинг этник маданий ўзликни англашидаги қарашлари замон ва макон руҳи, умум ўзбек миллий маданиятининг бой қирралари таъсирида сезиларли тарзда ўзгарди, бир томондан арабларга хос этник элементлар, иккинчи томондан ўзбек умуммиллий характеристи шаклланди.

Адабиётлар:

1. Абу Райҳон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. – Б. 39–45.
2. Янес М. А. К вопросу об оценке национального самосознания арабского населения... – С. 161–162.
3. Рахматиллаев Х. Фарғона водийси аҳолисининг этномадинамикаси. – Тошкент: Yangi nashr, 2013 – Б. 27.
4. Тарих ва ўзликни англаш: Ўзбекистон ва Германия тажрибаси. – Тошкент, 2005. – Б. 39–40.
5. Сайдов М., Равшанов П. Жейнов тарихи... – Б. 230.
6. Ўзбек тилининг изоҳли лугати. 4-жилд. – Тошкент: ЎзМЭ, 2006. – Б. 547.
7. Yusupov O.N. EXPRESSION OF INTERCULTURAL DIFFERENCES IN TRANSLATION //International Journal of World Languages. – 2021. – Т. 1. – №. 2.
8. Yusupov O. et al. IMPROVING WRITING SKILLS USING COMMUNICATIVE COMPETENCE //International Journal of World Languages. – 2021. – Т. 1. – №. 2.
9. Yusupov O. CHARACTER EXPRESSION IN LITERARY TRANSLATION //Журнал иностранных языков и лингвистики. – 2021. – Т. 2. – №. 4.
10. Yusupov O. et al. Phraseological Units with Colour Designation Component as a Means of Reflecting the Self-Consciousness of the English People //LINGUISTICA ANTVERPIENSIA. – 2021. – С. 719-731.
11. Yusupov, O. N. "Subtleties Of Literary Translation." İlköğretim Online (IOO)-Elementary Education Online 4.4 (2021): 1987-1991.
12. Yusupov O. N. EXPRESSION OF INTERCULTURAL DIFFERENCES IN TRANSLATION //International Journal of World Languages. – 2021. – Т. 1. – №. 2.